



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 27 февраль, № 40 (6223)

Жума

2015 йил —

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Мамлакатимизда 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури қабул қилинди.

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг ўзига хос юксак маънавий ва маданий белгисидир. Ўзбек халқига азалдан хос бўлган бундай юксак фазилатлар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий тўғрисидаги эълон этиш ва янгилаш бўйича беш тамойилга асосланган тараққийнинг «Ўзбек модели» мамлакатимиз истиқболлини тубдан ўзгартириш йўналишларини белгилаб берди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустахкам ҳуқуқий базага асосланган ишончли тизимни шакллантириш эса ушбу моделнинг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2011 йил 30 майдаги «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳанинг изчил такомиллаштириб

борилаётгани Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан ёрқин далолат беради. Иқтисодий тизимнинг жадал ва барқарор ривожлантирилаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йили мамлакатимизда ёши улуг инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар ҳам кекса авлод вакилларига моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда ва бу борадаги ишлар кўлами мунтазам кенгайиб бораётди. Масалан, ўтган йили кекса ёшдаги фуқаролар ҳаётини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўз-Фармасаноат» давлат-акциядорлик концерни, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ушбу ташкилотлар кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида саёхатда бўлди, амбулатория ва стационар даволаш муассасаларида даволанди, санаторийларда саломатлигини тиклади.

(Давоми 3-бетда).

29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги соңда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислам Абдуганиевич Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури, шунингдек, сайловчилар билан учрашувлари тўғрисидаги ахборот чоп этилмоқда.

2-3-саҳифаларга қаранг.

ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ ЕТУК

авлодни тарбиялаш жамият равақининг муҳим асосидир

Статистика маълумотларига кўра, дунё бўйича туғилган ҳар ўн чақалоқдан саккиз нафари қобилиятли ҳисобланади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам таълим учун муносиб шароитга эга муҳитда вояга етмайди. Шу боис аксарият болаларнинг иқтидори юзага чиқмай қолиб кетаркан. Юртимизда улкан орзу-умидлар билан фарзанд тарбиялаётган ота-оналар ҳар қанча фахрлинишса арзийдики, бизда ёш авлоднинг истеъдод ва маҳоратини ўз вақтида аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замон талаблари даражасида билим олишига етарли шароит яратиб беришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Буни мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳамда уларнинг самаралари ҳам яққол тасдиқлайди.

ФАХР

Бор меҳру муҳаббатимизни болаларга берганимиз учун ҳам улардаги беғубор ва кувнок кайфиятни кўрганимизда, қалбимизни ёқимли ҳис-туйғулар чулғаб олади. Аслида, шу ҳолатнинг ўзидек, миллатимизнинг ўғил-қизларга бўлган ғамхўрлиги, уларни сўйиб-ардоқлаши, қисқача айтганда, «болажон халқ» дея таърифлашнинг тасдиғидир. Бундай олижаноб туйғу ва хислатларнинг амалий ифодасига ўтган даврда бажарилган ҳамда бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган ишлар мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш ҳам улардаги беғубор ва кувнок кайфиятни кўрганимизда, қалбимизни ёқимли ҳис-туйғулар чулғаб олади. Аслида, шу ҳолатнинг ўзидек, миллатимизнинг ўғил-қизларга бўлган ғамхўрлиги, уларни сўйиб-ардоқлаши, қисқача айтганда, «болажон халқ» дея таърифлашнинг тасдиғидир. Бундай олижаноб туйғу ва хислатларнинг амалий ифодасига ўтган даврда бажарилган ҳамда бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган ишлар мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон



шида ижобий жиҳатлар кўзга ташлана бошлаганини кувониб гапирди.

— Қизим Лайло камқувват эди, тенгдошлари билан ҳам яхши чиқишиб кета олмади, — дейди Яшнобод туманида истиқомат қилувчи Улуғбек Абраев. — Мутахассислар билан маслаҳатлашганимизда, уни бирор спорт турига жалб этишимизни тавсия қилишди. Фарзандимни уйимиз яқинидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика тўғрисидаги мактабига бердик. Бундан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо қилинди. Биргина ўтган йилнинг ўзида, аҳамият беринг, 115 болалар спорт объектлари, 48 болалар мусика ва санъат мактаби барпо қилинди.

Бугун қайси ота-она билан сўхбатлашмайлик, фарзанди бирор бир спорт тўғрисида қатнаётганини алоҳида фахр билан тилга олади. Спорт туйғули болаларнинг ўқиши ва юриш-тури-

муҳим омилидир. У иродани тоблаш, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мустақиллик берган имкониятлар, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимидаги янгиланишлар ҳақида ҳар қанча сўз юритсак арзийди. Бинобарин, илгари мавжуд аҳвол қандай бўлганини ёши улуглар жуда яхши эшлашди. Авваллари қишлоқларни-ку кўя туринг, ҳатто шаҳарларда ҳам нари борса, битта-иккита спорт мажмуаси бўларди. Унда ҳам гоҳ мураббий етишмовчилиги, гоҳи-да инвентарлар танқислиги кузатиладди. Шу боис қанчадан-қанча истеъдодлар кашф этилмади, улар учун аллақандай армонга айланиб улгурган орзу-умидлар истиқлол шарофати билан энди фарзандлари тисмолида рўёбга чиқмоқда. Бугун энг олис қишлоқларда ҳам муҳташам

спорт мажмуалари фаолият юритаётди. Иқтидор эгаларининг қобилияти вақтида аниқлиниб, уларга нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиш учун имконият яратиб берилапти.

Бунга ўтган йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида эришилган муваффақиятлар мисол бўла олади. Ана шу нуфузли мусобақада голиб ва совриндорлар сафидан жой олган Бектемир Мелиқўшиев Фарғонада, Адхамжон Эргашев Наманганда, Илҳом Бахромов Самарқандда, Сўхроб Турсунов Сурхондарёда, Сулаймон Латипов Бухорода, Фарҳодбек Собиров Хоразмда, Умида Абдуллаева Тошкент вилоятида, Темур Қодиров ва Владимир Свечников пойтахтимизда тугилиб, камолга етган. Яъни ҳар бир ҳудуддан қўллаб-қувватланаётган истеъдодлар етишиб чиқаётир.

(Давоми 3-бетда).

Ватанни мадҳ этиш саодати

Эзуликка ошурта инсонлар ҳамisha яратувчанлик ва бунёдкорлик иштиғи билан яшайдилар. Бир хайрли юмушни адо этиб, навбатдаги марра сари ошиқадилар. Муҳими, тўхтамайдилар, олдинга дадил интиладилар. Бугун белни маҳкам боғлаб, бир тану бир жон бўлиб, юртимизни обод қилишга чоғланган халқимизнинг матонати, ғайрат-шижоатини кўриб, шундай эътирофлар кўнгилмиздан кечиши табиий. Бу Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан жойларда «Нима қилдик Ватан учун?» шиори остида ўтказилаётган ижодий учрашувларнинг ҳам бош мавзуси бўлмоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Чунончи, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусикали драма театрида ташкил этилган ана шундай тадбирда ёш авлод камолотида маънавий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизнинг ўрни беқисс эканлиги таъкидланди.

— Ижодий учрашувда Ватан ҳақидаги кўшигим билан иштирок этдим, — дейди вилоятдаги «Наво» гуруҳи хонандаси Баҳодир Хидиров. — Чунки ижодкор учун юртини мадҳ этишдан ҳам кўра юксак шараф йўқ. Қолаверса,

биз, ёшлар қандай марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг бари мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва фаровонлик туйғулидир.

Тадбир доирасида маданият ва санъат намоёндалари билан ёшлар ўртасида ижодий мулоқотлар ташкил этилди. Таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари эса кўнгилларга кўтаринкилик бағишлади.

Навоий шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабида иқтидорли ўғил-

қизлар тахсил олади. Улар маҳоратли педагоглардан санъат сирларини пухта ўрганиб, турли танлов ва фестивалларда доимо совринли ўринларни эгаллаб келишапти.

Кўни кеча бу ерга таниқли санъаткорларнинг ташрифи буориши мактаб жамоаси ва ўқувчилари ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Чунки эл севган хонандалар иштирокидаги маҳорат сабоқлари қизгим мулоқотга айланиб кетди. Ўз навбатида, ўқувчилар ижодий учрашув қатнашчилари учун

концерт дастури намойиш қилишди.

Шундан сўнг навоийлик ёшлар вилоят марказидаги «Фарҳод» маданият саройида ҳам бўлдилар. Бу ерда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Алишер Турдиев, «Нихол» мукофоти совриндори Манзура Йўлдошева ҳамда бошқалар ижросида Ватан, ёшлик ва муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Юртга муҳаббат, мустақиллик гоъларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғулари бугун Жиззах вилояти ёшларини ҳам хайрли мақсадлар сари чорламоқда. Шу боис уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари салмоғи тобора ортиб бораёпти.

(Давоми 3-бетда).

Қисқа сатрларда

● Самарқанд темир йўл вокзалида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлардан бир гуруҳини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар қатнашган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Қуроли Кучларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида сўз юритилиб, аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилгани таъкидланди.

● Жиззах вилоятида лойиҳанинг аҳамияти ЮНИСЕФнинг «Бола шахсига йўналтирилган таълим» лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда мазкур лойиҳанинг аҳамияти Файлзор туманидаги 1 ва 5-мактабгача таълим муассасалари иш тажрибаси мисолида муҳокама қилинди.

● Нукусда ташкил этилган «BankExpo — 2015» миллий кўргазмасида тижорат банклари, етакчи сугурта компанияларининг махсулот ҳамда хизматлари намойиш қилинди. Молия муассасалари томонидан тақдир этилаётган «Mobil-banking», «SMS-banking», онлайн режимида маълумот олиш ва тўловларни амалга ошириш каби замонавий хизматлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

● Бухоро муҳандислик-технология институтининг янги ўқув-лаборатория биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида олиб бориш учун барча шарт-шароит яратилган.

(Давоми 3-бетда).

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Сугурта хизматларига ишонч ортмоқда

Мамлакатимиз сугурта бозорига амалга оширилаётган изчил ислохотлар туйғули бу соҳа кейинги йилларда жадал ривожланмоқда. Натижада жорий этилган мажбурий сугурта турлари, таклиф қилинаётган сугурта хизматлари кўпайиб, аҳолининг уларга бўлган талаби қаторида ишонч ҳам ошмоқда. Бугунги кунда сугурта бозорига фаолият юритаётган компаниялар сони 30 дан ортгани, улар томонидан ўтган йили 436,1 миллиард сўмлик сугурта мукофотлари йиғилгани бунинг яққол тасдиғидир.

«Ўзгросугурта» давлат-акциядорлик сугурта компаниясида ташкил этилган анжуманда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар ва келгуси режалар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилдики, тизимда қўлга киритилаётган муваффақиятларда «Ўзгросугурта» давлат-акциядорлик сугурта

компаниясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ўн саккиз йиллик фаолияти давомида катта тажриба тўплаб, юртимиздаги йирик ва универсал сугурта муассасаларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, компания томонидан дастлаб фақат қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари

сугурталанган бўлса, айни пайтда тақдим этилаётган хизмат турлари 100 дан ортди. Шундан 50 дан зиёди аҳоли ва корхоналар мол-мулкни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялаш, 40 дан кўпи қишлоқ хўжалиги сугуртаси, қолгани эса мажбурий ва фуқаролик жавобгарлиги сугурта турлари улушига тўғри келади.

(Давоми 3-бетда).

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ

ТАРЖИМАИ ҲОЛ



ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги завоидида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети-га ишга ўтиб, бош мутахас-

сисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосарига чақирилган бўлиб ишлаган.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986 — 1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон

ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловига Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми асосида Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон

Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оилали, икки фарзанди, беш нафар набираси бор. Рафиқаси Т. А. Каримова — мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айна пайтда — пенсияда.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу

борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айна вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўп-лаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

ДАСТУР

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг «Ўзбек модели» деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирқалам ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яққақимлиги ҳалокатли тус олиб, жар ёқасига келиб қолган, собиқ СССРда аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича энг охириги ўринда турган қашшоқ ўлкадан ҳозирги вақтда, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан тез ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай бахт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишларимиз, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, ўзини оқламаган эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан золи тубдан, мустақил фикрлайдиган, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги кунини учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч — ёшларимиз майдонга чиқаётганда бу ҳақиқатни англамоқдамиз.

Биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсида глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5 қаррадан зиёд, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсгани, юртимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очигини айтганда, бундай ютуқларни баъзан тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялли ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаётгани, ички қарзимиз, яъни аҳолиимиз олдида қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.

Шу билан бирга, биз бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз — бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узок атрофимизда турли можабро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модерни-

зация қилишнинг давом эттириш ва чуқурлаштиришга қаратилган эътибор ва савий-ҳаракатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа — бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бериш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.**

Бу мақсадга эришишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторига эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолюқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ислохотларни амалга ошириш, аввало, мулкдорлик масаласида чаларуш ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётини бошқаришда маъмурий-бўйруқбозлик усуллари қолдиқларини бутунлай бартараф этиш фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқбол, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа — бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлга қўйиб барча гов ва тўсиқларини олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимизда йил ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи маъмур тармоқда меҳнат қилимоқда.

Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдо-лари орқали сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмининг тубдан қайта қўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик-ошқора бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг давоми сифатида бу борада солиқ юкнини камайтириш, қўшимча шaroит ва қафолатлар яратишга янада катта аҳамият берилади.

Учинчидан. Бугунги кунда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта қўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Давлатнинг иштироки, авваламбор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият қўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак. Бошқача айтганда, **давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаш, маъмурий-бўйруқбозлик тизими иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.**

Шу муносабат билан ҳўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, унда самарасиз давлат корхоналарини тугатиш, жумладан, очик ва ошқора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан «ноль» қийматида сотиш орқали тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда фаолият қўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вақт келди. Акциядорлик

жамиятларини айна шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

Тўртинчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш — айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислох этишининг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз мақсадида бўлади.

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва шунингдек, мамлакатимизнинг озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва қўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. **Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб, исботлаб бермоқдаки, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлақо ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.**

Бешинчидан. Қишлоқ хўжалиги, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.

Замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланидиган, кенг қўламли вазифаларни бажарадиган кўптармоқли хўжаликларга айлантириш йўлини давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжалиқлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларни кучайтириш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардоримиз.

Фақат 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса — 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 2015 — 2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар миқдоридидаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва

электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш учун эса — 136 миллион доллар миқдоридидаги маблағ йўналтириш масаласи қўриб чиқилмоқда.

Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш — энг устувор вазифадир.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб бориладан оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ана шу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шартини инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгарттириш доирасида кенг қўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Деҳқонобод каллийий ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озик-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илгор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради.

Бугунги кунда Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрални таркибига кирадиган 1,5 минг километрлик йўл тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километрлик янги Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайсгоф ва 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Кумўрғон тармоқлари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айна пайтда янги Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ва тоғли худудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Саккинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

Аваламбор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айнақса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш

ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионга иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроги қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айнақса аҳамиятлидир.

Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи ҳам доимий эътиборимиз мақсадида бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу қўрсаткич мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидаги 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим.

Халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ юртимизда 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тўшди. **Бошқача айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймасдан, бу борада ижтимоий барқарорлик мезонини деб тан олинган даражага эришдик.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобил телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатилган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжонлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар мавжуд.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланмиш даражаси, жон бошига ҳисоблаганда, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

Учинчидан. Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашуви, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисидан бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли аъёнларини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳроқибат, ҳамжихатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Ишончим комилки, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонқурлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажакимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришининг мустаҳкам пойдеворидир.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш — барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Садоқат ва ҳаёт куйчиси



Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда аёл зотиغا, ижод аҳлига кўрсатилаётган ёрқин эҳтиром рамзи сифатида кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Зулфияхоним ўзининг бой адабий мероси, фаол жамоат арбоби сифатидаги фаолиятида ўзбек аёлларининг салоҳияти нақадар юксак эканини кўрсатиб берди. У латиф ижоди билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берди. Зулфия опанинг тутилган кунларида ёки бошқа сабаб билан у кишининг

лари, дардлари ифодаланган эди, гўё... Ардоқли шоирамиз билан Дўрмондаги суҳбатлар, сафарларда бўлганимиз, атоқли мусаввир Чингиз Аҳмаров суратларини чизганларида ёнларида турган, Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида бошқа республикалардан табрик учун келган машҳур шоир ва ёзувчилар,

ЭҲТИРОМ

сўз бор бўлиб, опадан унинг таржимасини шаршара дейинми ёки шалолами, деб сўрадим. Ўшанда опа: “Шаршара, деб атанг. Унда овоз ҳам, зарб ҳам бор”, деган эдилар. Кейин билсам, бу охириги сўзлашувимиз бўлган экан... Зулфияхоним шеърлари-

Ибратли умр йўллари

хонадонларига бориб турарди. Дилдан суҳбатлашиб, шеърят ҳақида гаплашарди. Опа билан илк учрашганим ҳозиргидек эсимда. Ўшанда 1957 йил, 9 февраль эди. Алишер Навоий таваллуд тоғлан кун муносабати билан уюштирилган анжуман якунланган, Зулфия опанинг ёнларида бордим. “Навоий ижоди бўйича бўлажак илмий ишларингизга муваффақият ёр бўлсин”, дедилар опа. Шундан кейин тез-тез кўришиб турадиган бўлдим. Хусусан, у киши “Саодат” журнали таҳририятига чакриб турардилар. Шундай учрашувларнинг бирида Зулфия опа кўлига ўз ёзувларида Навоийнинг ушбу мисраларини тутқаздилар:

санъаткорлар билан мулоқот қилганларимизни ёдга олар эдик. Опа мумтоз адабиётга ниҳоятда меҳр кўйган, хусусан, Навоий давридаги шоирлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга қизиқардилар. Ёшлари улғайиб, хасталаниб қолганларида асосан телефон орқали гаплашиб турадиган бўлдим. Бир кун кўнгирик қилиб: “Бир байт ўқинг, форсий бўлсин, маъносини биргаликда таҳлил қиламиз”, дедилар. Мен секин-аста ўқидим. Унинг мазмунини шундай эди: Эй, шаршара, овоз чиқариб, нола қилсан, қайси дарёдансан? Чехранга ажин тушириб, кимнинг гамини чекасан? Дардин қандай дардик, мен каби тун бўйи бошингни тошларга уриб

*Кўнгул жон бирла борди ҳамроҳинг,
мен дард ила турдим.
Сенга жон бирла кўнгулми, сени
Тангрига топширдим.*

Улуғ Алишер Навоийнинг бу мисраларида Зулфиянинг орзу-армон-

ийглаб чиқасан?” Ушбу сатрларнинг аслида, яъни форсийда “Обшор” деган

Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин мен бугун бошқа бир саволга жавоб излаяман — Зулфиянинг одамларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айланган, XX асрнинг буюк аёллари қаторига қўшган асосий омил нима? Менимча, бу унинг эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва дённат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилганида. Истеъдод улғу неъмат, лекин истеъдоднинг ўзи билан иш битмайди, шекилли. Минг афсуски, бизда айрим истеъдодли шоирлар ва шоирлар бор, бироқ улар ўзларининг ис-

Шарқона латофат

нинг ёнига инсоний фазилатлар қўшилсагина, ижод муайян салмоқ касб этади. Бунга эса бутун умр бўйи давом этадиган машаққатли меҳнат билан, астойдил жон куйдириш билан эришилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддиновнинг «Сизни соғиндим, Зулфия опа» мақоласидан.

Чинакам дўстлик тилмисоли эди

Ҳиндистонга келганда Зулфия менинг меҳмоним бўлди. Ана шунда ўртамизда муштакам дўстлик пайдо бўлди. Бу дўстлик мен Ўзбекистонга ташриф буюганимда яна ҳам чуқур илдириб, гўзал мевалар берди.

1961 йили мен Зулфия хонадонига бўлдим. Унинг бир неча шеърларини панжоб тилига ўғирдим, у эса менинг байтларимни ўзбекчалаштирди. Яна илҳом шавқиде юрак Сўз излайди ёниқ, беором... Ўзбекча сўзлар, панжоби оҳанглари бир сатрда тизилиб, илҳом шариллаб,

дўстлик ҳақида гўзал бир дoston ёздим. Тошкентдаги ўқув юртидан бирида адабий учрашув бўлди. Биз ўз шеърларимизни ўқидик. Мен бухорча зардўзи дўппи кийиб олган эдим. Зулфия кулогимга шивирлади: — Е, раб, сен ўзбек гўзалига ўхшайсан, Амрита! Эртаси кун биз атлас тўқувчи кизлар даврасида бўлдик. Бизга шохӣ рўмон-

лар тўхфа қилишди. Шохӣ дуррача ўраган Зулфияга қараб мен ҳам лутф қилдим: — Зулфия, сен панжоб гўзалининг ўзи бўлдинг-қолдинг! Зулфия мени ўзбекчалаб “Амрита хоним”, деб атаиб бошлади, сўнг исмининг маъносини сўради, ўзбекчада мени “Улмас хоним” деб сўйлай бошлади. Мен “Зулф” сўзининг ҳиндчада “Алка Кумари” маъносини билдиришини айтиб, дугонани Алка Кумари деб чақира бошладим. Бизнинг дўстлигимиз икки шоиранинг, икки тилининг, икки элнинг чинакам дўстлиги, дилга яқинлиги тилмисоли эди. **Амрита ПРИТАМ, ҳинд шоираси, адибаси.**

Қанотбахш умид

БАРҲАЁТ САТРЛАР

...Мен яна бир нарсага қаттиқ умид қиламан. Йиллар ўтаверди, Ер юзидаги ҳаёт бундан ҳам гўзаллашаверади, унда бугунгидан ҳам яхшироқ инсонлар — руҳи бой одамлар яшайди. Агар ўша кишилар ҳам менинг бирор сатримни эсга олсалар, ўша сатр улар учун керакли бўлса, қалбининг бўш бир нуқтасини тўлдирса... Қаламимга шу умид куч беради. Зотан, шу илинжсиз ёзининг кераги йўқ! Шоир фақат бутуни учун шоир бўлса, бўлмагани яхши!

Ўзбекистон халқ шоири ЗУЛФИЯ.
1978 йил


Тингла булбул

*Булбул сайрар, ирмоқ куйлар, ўйнар ел,
Ҳамма ёққа нур тўланган ўхшайди.
Ширин куйса тўлиб кетди маъсум дил,
Севги унга ёр бўлганга ўхшайди.*

*— Тухта, булбул, мен куйлайин, жон булбул,
Сен тинглагин қалбимдаги торимни.
Баҳор десам, рашиқ қилмасин чаман гул,
Юрагимга кириб олган ёрими.*

*Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни,
Эрка дилингни тўлақинга қўлоқ сол.
Сен бийронсан, лекин менинг куйимни
Кўрки бўлган садоқатдан сабоқ ол...*

Аёл қалби тараннуми



Ўзбек шеърлятида Зулфия деган номнинг қанча пайдо бўлиши — тоғ юлдузининг тугилишига тенг воқеа бўлгани хануз эсимда, ўша тонининг ўзидай рост ва ёрқин бир ҳақиқат бу ўзи! Чигилликлар, тортишувлар, изланишлар тўлиқ бир паллада янги ва умидбахш бир садо, ёқимли бир соз жаранглаб кетган эди-да. Ўша кезде аёл зоти-дан кўлига қалам олганлар са-

ноқли ва пайдо бўлиб улгурмайин сўниб қолар, ижодлари ҳам умумийроқ, бир-бировдан фарқсизроқ, ибтидорроқ, жўнроқ назмгўйликдан нари ўтолмаган машқлар, ўхшашмалар эди. Давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли, она армонлари, она бахтини, она дилини куйлашга қодир бир онабошига муҳтож ва интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб кўлига соз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемирининг «Тонг куйчиси» мақоласидан.

МАСЪУД ВА УНУТИЛМАС ОНЛАР

Ноёб чашмаларнинг сувидан бир ҳовуч ичсангиз, таъми озгингизда қолади, қайта-қайта унинг зилолидан баҳраманд бўлсам, дейсиз. Зулфия шеърлари шундай чашмага ўхшайди. Ундаги бахтининг олий замзамаси сизни юксакларга олиб учadi. Инсон дардининг ларзали лаҳзалари қалбингизни остин-устун қилиб юборadi. Бахтини ўзингизники каби қабул қиласиз, бошингиз қувончдан айланиб кетади. Дардидан маҳзун хаёлларга чумасиз-у, лекин аста-аста жонингиз исий бошлайди, унинг кечинмаларида яшай бошлайсиз.

СОҒИНЧ

Юрагингизнинг аллақерларида ёнмаган чироқлар ногоҳ порлаб кетади. У куйлаган дардда некинлик бор, ҳаётга, одамларга муҳаббат бор. У — сизнинг қачон-қачонлардир бошдан кечирган галаёли дамларингиз ифодаси. Хижрон кечаларида унинг сувратига топиниб, шеърларидан таскин толган, матонат дарсини олганлар бу шоирани вафо куйчиси, дея эъзозлайдилар. Зулфия лирикасидаги самимият, ростгўйлик, ўқувчига нисбатан эҳтиром туйғуси бениҳоя кучли. Шу боис муҳаббат ҳақида у не деса, ҳаммаси ярашикли. Унинг қалами сўйлаганларига ўқувчи ишонди, ўзиники каби қабул қилади. Шеърят инсондан кучли маънавийтни, бардшоҳ чидамни талаб қилади. Шошмашошарлик, ёзилган нарсанинг сиёҳи қуримасдан туриб, нашрма-нашр югуриш, аввало, ижодкорнинг ўзи учун зарар. Шоир-

ранинг шеър дафтарига кўзим тушганида, шу маънода, катта бир ибрат кўраман. Ёзилган, ўчилган, тазутилган, устидан чирик тортилиб, саҳифа орқасида қайта тикланган, дафтар ҳошияларига тизилган бадирийлар... У шеърлар бошланган кун билан сўнгги нуқта қўйилган вақт орасида баъзан йиллаб масофа этади... Ниҳоят шеър оққа кўчирилади. Шунда шоиранинг чарақлаб кетган кўзларида хали ҳам илҳомнинг олови, файзи мафтункор бир жозоба бағишлаб турганини кўп кўрганман. Бундай кунлар у: «Юринглар, шеър ўқиймиз», дея барчамизни хонасига тақлиф этарди... Кулогимда унинг “Рашиқ” шеърлиги мардона, самимий саволи жаранглайди: *Халқ қалбидаги бир гўзал шеърга Етармикан ҳеч қачон кучим?! Қанийди, бу савол ҳаммамизнинг ҳам дилимизда бот-бот такрорланиб*

турса! Шунда эълон қилинаётган шеърлар орасида хом-хатала, икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашлари камроқ бўлармиди...

— Ҳар бир ўқувчи қалбида бир шоир яшайди. Ҳар бир инсон ўзинча шоирона оламга эга. У кўлига қалам олиб, бирор сатр шеър ёзма-да, адабиётни, сўзни нозик тушунади. Шунинг учун ҳам бундай муҳлисларга ҳар қандай пала-партиш тизмаларни тақдим этиш одобдан эмас. Бу масъулиятсизлик ва ўзини иззат қилмасликдир. Масъулият, талабчанлик — санъаткор учун бош мезон, — дердилар устоз. Зулфиянинг матбуот юзини кўраётган асарлари мана шу ақидага биноангина нашрга тавсия этиларди. Шундай дақиқаларда унинг Ҳамид Олимжон билан бирга тушган суварти кўз ўнгимда жонланади. Палак. Палакнинг кашталари чодир-чаман. Ҳамид Олимжон оппоқ кителда. Бир кўлини тиззага тираган. Мағрур, навиҳолдай Зулфия турибди. Хаёлча. Маъсум. У сўзининг инжа хаёлларига фарқ. Рафиқининг овозини тинглаётгандай... Шу нозик елкаларга қулаган хижрон тоғи қанчалар залворин эди! Дахшати эди! Бу бахайбат, қора хижрон тоғи юк кўрмаган елкалар-

ни эзиб ташлай олмади! Бу гамандух билмаган соз қимдан қувват олди? Бу елкаларга қандай улуг қудрат мадад бўлган эди?

*Бахтиёр севгини куйларди сюзим,
Ўлим ханжарига тегдию синди.
Хижрон фарёдайди совуқ овозим,
Нахот, лириканинг ёлқини тинди!* Зулфиянинг таянч тоғи — халқи, устозлари, сафдошлари, дўстлари. Унинг бардоши “Қуяман-у, бўлмайман адо”, деб ёзганида қанчалар ҳақ, қанчалар севимли, қанчалар ардоқли... Зулфия опа мактовини ҳам, тўғри маслаҳатини ҳам аямасди. Яхши шеър билан кўринган шогирди сатрларини фаҳр билан такрорлаб, кўзлари билан эркалашни ёқтиради: “Уми узок бўлсин!” Онага ўхшаб юракдан алқаб кўйишни ҳам биларди. Зулфия шеърляти яхши инсонларга Ватан бўлган тупроққа қасида. Унинг ёзганлари эзгуликка тўла ёруғ оламнинг кўшиги. Унинг гурури, сурури, бутун изтироби, дардлари, қунони, суюнчи, осуда хаёллари, долғали туйғулари балқиб ётган бетакрор ижодиёти халқимиз меҳнати, хаёти, келажагининг ажралмас бир парчаси. Унинг бедорлиги, беоромлиги, илҳоми, хижрони, ўчмас муҳаббати — ўз халқининг юрак забтига, томир уришига ҳамоҳанг. **Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги Фармони асосида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

2007 йилда “Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, ардоқли шоирамизнинг бадиий сиймоси яратилди.

Обод юртнинг ардоғидамиз

Болалигимдан шеърятга қизиқаман. Ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг меросини мутолаа қилиш жону дилим. Айниқса, садоқат ва вафо тимсолига айланган шоира Зулфиянинг шеърлари ўқувчига ҳар доим баҳор нафасини бахшида этади. Улардан баҳраманд бўлганим сари ўзимнинг ҳам кўнглимда ажиб ҳислар уйғониб, шеърлар битгим келаверади.

100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори миллий адабиётимизни янада раванқ топтириш, ижодкорларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишнинг ёрқин ифодаси бўлди. Айни кунларда юртимизнинг барча худудида ушбу қарор ижроси асосида турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтапти. Уларда устозимизнинг ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат ва садоқат, яхшилик ва эзгулик туйғуларини тарангум этувчи асарлари халқимизга, хусусан, ёшларимизга чуқур етказилиб борилапти. Ушбу тадбирларда Зулфияхоним издошлари ҳам фаол иштирок этапти.

ДИЛ СЎЗИ

Ижодий олами билан яқиндан танишиб борамиз. Зулфиянинг шогирдлари — шоирлар, адабиётшуносларни тақлиф қилиб, уларнинг қимматли фикрларидан баҳраманд бўламиз. Инглиз ва немис тилларини пухта ўрганганим боис ўз асарларим ҳамда устозимиз Зулфия шеърларини таржима қилиб, хорихлик адабиёт муҳлислари эътиборига ҳавола қилмоқчиман. Президентимизнинг 2014 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5